

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурсларига бўлган талабини тўлиқ қаноатлантириш, нефть-газ корхоналарини молиявий соғломлаштиришни таъминлаш, шунингдек, умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва энг яхши хорижий тажриба асосида тармоқда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки экспертларини жалб қилган ҳолда қуйидагиларни:

Газ-транспорт тизимини 2030 йилгача ривожлантириш дастурининг бош режаси;

барча иштирокчиларга тенг кириш имкониятини таъминлаш ва нархни шакллантиришнинг шаффоф механизмларини назарда тутган ҳолда электр энергияси ва табиий газнинг биржа савдолари асосидаги улгуржи бозорини яратиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда:

а) халқаро даражада тан олинган консалтинг ва аудиторлик компанияларини жалб қилган ҳолда:

2020 йил 1 июлга қадар тегишли идоралар билан биргаликда **Нефть-газ тармоғи корхоналарининг операцион самарадорлигини яхшилаш бўйича “Йул харитаси”**ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2020 йил 1 октябрга қадар **нефть-газ тармоғидаги барча корхоналарда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат”** тизими жорий этилишини таъминласин;

б) 2020 йил 1 июнга қадар **юқори малакали хорижий экспертлар ва мутахассислар, шу жумладан, хориждаги ватандошларни нефть-газ тармоғи корхоналарига ишга ёллаш тўғрисидаги таклифларни**, уларни танлаб олиш, қўйиладиган малака талаблари, функционал мажбуриятлар, жалб қилиш мuddати ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмларини кўрсатган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни мақбуллаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи (РДавлетов) “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда бир ой мuddатда **нефть-газ тармоғидаги фаолият турларини лицензиялашни тақомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича таклифларни** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Агентлигининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) устав жамғармасида давлат улушини ошириш ҳисобига қуйидагиларни капитализациялаш:

“Ўзбекнефтьгаз” АЖга иловага мувофиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун аввал ажратилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) кредитлари бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига “Ўзбекнефтьгаз” АЖнинг асосий қарзи ва ҳисобланган фоизларни;

капитализацияланган маблағларни кейинчалик “Биринчи резинотехника заводи” МЧЖ устав жамғармасини оширишга йўналтирган ҳолда, “Биринчи резинотехника заводи” МЧЖга “Ангрен” ЭИЗ ҳудудида конвейер ленталари, кишлоқ хўжалиги ва автомобил шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳасини амалга ошириш учун аввал ажратилган Жамғарма кредитлари бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига “Ўзимёсаноат” АЖнинг асосий қарзи ва ҳисобланган фоизларни;

б) **2017-2021 йилларда углеводород хомашёси қазиб чиқаришни кўпайтириш дастурини** молиялаштиришни давом эттириш мақсадида **Ипак йўли жамғармаси (ХХР) ва хорижий тижорат банкларининг 250 миллион АҚШ доллари миқдоридаги, шунингдек, экспорт-кредит агентликлари ҳисобидан 400 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини** жалб қилиш.

5. Агентлик Жамғарма, “Ўзбекнефтьгаз” АЖ ва “Ўзкимёсаноат” АЖ билан биргаликда икки ой мuddатда қўшимча акцияларни жойлаштириш ва кредит шартномаларига белгиланган тартибда тегишли ўзгаришларни киритиш йўли билан “**Ўзбекнефтьгаз” АЖ ва “Ўзкимёсаноат” АЖ устав жамғармаларида давлат улушини ошириш** бўйича тегишли чораларни кўрсин.

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги мазкур қарорда назарда тутилган қўшимча акцияларни чиқаришнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига 2017-2021 йилларда углеводород хомашёси қазиб

чиқаришни кўпайтириш дастурини молиялаштириш учун жалб қилинадиган 250 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги кредитлар бўйича “Ўзбекнефтьгаз” АЖнинг Ипак йўли жамғармаси (ХХР) ва хорижий тижорат банклари олдидаги мажбуриятлари юзасидан давлат кафолатларини белгиланган тартибда бериш ваколати тақдим этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзбекнефтьгаз” АЖ билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар 2017-2021 йилларда углеводород хомашёси қазиб чиқаришни кўпайтириш дастурини молиялаштириш учун Ипак йўли жамғармаси (ХХР) ва хорижий тижорат банкларининг кредитлари, шунингдек, экспорт-кредит агентлиklarининг ёрдами жалб этилишини таъминласин.

8. Белгилансинки, 2020 йил 1 майдан бошлаб:

Аи-80 маркали автомобиль бензини ва дизель ёқилгиси (шу жумладан, ЭКО маркали дизель ёқилгиси) **чакана нархларини давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинади;**

нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан Аи-80 маркали автомобиль бензини ва дизель ёқилгисини (шу жумладан, ЭКО маркали дизель ёқилгисини) **сотиш фақат биржа савдолари орқали амалга оширилади;**

бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизель ёқилгиси (шу жумладан, ЭКО маркали дизель ёқилгиси) ўтган чорақдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар асосида, шунингдек, уларга нефтни қайта ишлаш заводларидан нефть маҳсулотларини биржа савдолари орқали харид қилиш ҳуқуқини тақдим этган ҳолда сотилади;

нефтни қайта ишлаш заводлари “Ўзбекнефтьгаз” АЖ нефть базаларининг буюртманомаларига кўра мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида кўрсатиб ўтилган истеъмолчиларга сотилган дизель ёқилгиси (шу жумладан, ЭКО маркали дизель ёқилгиси) ҳажми учун “Ўзбекнефтьгаз” АЖ томонидан белгиланадиган чегирмани тақдим этади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси 2020 йил 1 майдан бошлаб:

нархларни жаҳон биржаларидаги Brent нефти котиروвокларига боғлаб қўйган ҳолда, “Ўзбекнефтьгаз” АЖ ва “Шўртан ГКК” МЧЖ томонидан сотиладиган нефть ва газ конденсати учун янги ички тармоқ нархлари;

нефть маҳсулотлари ва углеводородларни импорт қилиш билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектларига нефть маҳсулотлари ва углеводородларни нефть базаларининг буш сўғимларига сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун тарифлар белгиланишини таъминласин.

10–11. Махфий.

12. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

юридик шахслар, шу жумладан, “Ўзбекнефтьгаз” АЖ нефть базалари томонидан нефть маҳсулотларини қайта сотиш учун нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш якуний истеъмолчига сотиладиган тўланиши лозим бўлган акциз солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда амалга оширилади. Бунда, ушбу юридик шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадиган нефть маҳсулотлари ҳажми қисмида акциз солиғи белгиланган тартибда тўланади;

табиий газ қазиб олувчи ташкилотлар томонидан газни қайта ишлаш ва уни утилизация қилиш ташкилотларига сотиладиган табиий газ ҳажми якуний истеъмолчига реализация қилинадиган ҳажм сифатида кўрилмайд.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги “Мамлакат иқтисодийнинг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3479-сон қарори 2-банди “б” кичик бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С.Султонов зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 4 апрель	

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКОНА УРФ-ОДАТЛАР — БАРҲАЁТ



Эътироф

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ДОИРАСИДА ФАОЛ ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАН БИТТА СИЁСАТЧИ БЎЛСА, У ҲАМ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВДИР”

Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, унинг бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари хорижий оммавий ахборот воситаларининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

THE DIPLOMAT

Read The Diplomat, Know the Asia-Pacific

Муносабат

МЕТИН ИНТИЗОМ — БАРЧАГА БИРДЕК БАРОБАР

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири, сенатор

Одатда, ҳар ким бошига ёққан қорни ўзи курайд. Аммо бу қор бутун халқнинг, энг дахшатлиси, дунё халқлари бошига ёғса, одамзод чорасиз қоларкан. Коронавируснинг айни кунларда минглаб инсонлар умрига зомин бўлиб, Ер юзини батамом қамраб олаётганини кўриб туриш нақадар оғир.



Шайх Абдулазиз МАНСУР, Халқаро ислом цивилизацияси маркази директори ўринбосари

Куни кеча муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари ҳозирги кунда бутун дунё халқларини ларзага солаётган коронавирус балосига боғлиқ вазият бўйича мамлакатимиз халқига мурожаат қилдилар.

Давлатимиз раҳбари мурожаатида четдан кириб келган бу юқумли касалликнинг кенг тарқалмаслиги учун барча чора ва тадбирлар кўрилаётгани ва шунга қарамай мазкур касалликка чалин-

Афсуски, бугун биз ҳам унинг домидамиз. Ҳақиқий вазиятдан келиб чиқиб айтсак, мамлакатимизда коронавирусни юқтириб олган дастлабки бемор аниқланиши биланоқ давлатимиз раҳбари бошчилигида нечоғли улкан чора-тадбирлар, амалий ишлар бажарилиб, тезкор қатъий қарорлар чиқарилаётганига қарамай, айрим ватандошларнинг лоқайдлиги, бепарволиги, масъулиятсизлиги вазиятни чигаллаштирмоқда. Шу боис, Президентимиз

ҲАР ҚАНДАЙ БАЛОНИ МАРДЛИК, МЕҲР ОҚИБАТ ВА МЕТИН ИРОДА БИЛАН ЕНГАМИЗ

ганлар сони ошиб бораётгани ачинарли ҳол эканини қайд этиб ўтдилар. Каратинга олинган беморларнинг сони ҳам ошиб бораётгани барчамизни ҳушёрликка ундайди. Бу касалликка қалинган беморларни даволашга мўлжалланган кўп ўринли шифохоналар қурилаётгани, мана шундай оғир кунларда давлатимиз томонидан халқимизга турли имтиёз ва енгилликларнинг яратиб берилаётгани, пандемиянинг иқтисодимизга салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида Президентимиз фармони қабул қилингани, шунингдек, тадбиркорларни фаол қўллаб-қувватлагани, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилгани учун ихлосманд халқимиз Оллоҳ таолога шукр айтиш билан бирга, ўз халқига шунчалик ғамхўрлик қилаётган муҳтарам Юртбошимизга ўз миннатдорликларни изҳор этиб, ҳақларига дуои хайр қилиб туришлари лозим бўлади.

Бизнинг буюк ва танти халқимиз кўп асрлик тарихида не-не бало-қазоларни, урушлар ва очарчиликларни мардонавор, қодир Оллоҳнинг марҳамати билан, ўзининг куч-қудрати, вазминлиги



қисқа вақтда Ўзбекистон халқига учинчи мартаба мурожаат қилди.

Давоми 2-бетда

ҲАР ҚАНДАЙ БАЛОНИ МАРДЛИК, МЕҲР ОҚИБАТ ВА МЕТИН ИРОДА БИЛАН ЕНГАМИЗ

ва донишмандлиги орқали енгиб ўтган. Имон-эътиқодли халқимиз бу синовни ҳам Ҳақ таолодан сабр-бардош тиллаган ҳолда мардлик, меҳр-оқибат, ақл-заковат, метин ирода ва қатъият билан соғ-саломат енгади, албатта.

Шу билан бирга, бу каби оммавий бало-офат ёғилган кунларни биз, миллий ва диний қадриятларимиздан келиб чиқиб, Оллоҳнинг синовни ва огоҳлантириши сифатида қабул қилишимиз ва юриш-туришимизни ислоҳ этишимиз лозим. Хато ва камчиликларимизни тузатишга ўтишимиз, гуноҳларимиз учун тавба қилишимиз ҳамда Яратгандан инсоният бошига тушган бу оғир кунларни тез фурсатда саодатли, фаровон ва осуда кунларга алмаштириб, ўз раҳмати ва мағфиратини бандаларидан дариғ тутмаслигини сўраб дуо ва илтижоларни давом эттиришимиз зарур.

Хулосаи калом қилиб ихлосманд халқимизга раҳбарият ва мутахассислар томонидан талаб қилинаётган тартиб-қоидаларга тўла амал қилишларини илтимос қилиб, барчаларига Оллоҳнинг фазлу қарамини тилаб қоламиз.

Эътироф

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ДОИРАСИДА ФАОЛ ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАН БИТТА СИЁСАТЧИ БЎЛСА, У ҲАМ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВДИР”

 Бошланиши 1-бетда

Тахлилчиларнинг таъкидлашича, ҳозирги шароитда исталган давлатнинг кучи ва таъсири унинг ахборот маконидаги ўрни билан бевосита bogʻliқдир. Коронавирусга қарши курашишда ҳам дунёнинг ҳар қандай бурча-гига сонияларда ахборот етказувчи интернет наشرларидан тортиб, миллионлаб муштарийларга эга бўлган нуфузли газета ва журналларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Марказий Осиё масалалари бўйича эксперт, Европанинг “Озодлик” радиоси сайтида (RFE/RL) колумнисти Брюс Панниер ўтган ҳафтада эълон қилинган навбатдаги таҳлилий мақоласида: **“Марказий Осиё мамлакатлари доирасида фаол ҳаракат қилаётган битта сиёсатчи бўлса, у ҳам Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевдир”**, деган фикр-ни илгари суради.

Davletovuzʻning ёзишича, у ўз фикри-ни бундай далиллайди: “Наврўз охириги йилларда Марказий Осиё учун алоҳида санага айланди. Чунки шу сана атрофи-да минтақа мамлакатлари дeрларлари

Муносабат

МЕТИН ИНТИЗОМ — БАРЧАГА БИРДЕК БАРОБАР

 Бошланиши 1-бетда

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 3 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги мурожаати, шубҳасиз, имон-эътиқодда собит, уйғoқ виждон билан яшаётган ҳар бир ватандошимиз-нинг кўнглини титратди, қалб кўзини яна бир қарра очди. Бу даъват ўзига, оиласига, яқинларига фидойи, бориники, тонглари, эртанги кунининг ёрқин ва орузларга бой бўлишига ишонган, шуни истаган одам учун рад этиб бўлмас бoнғ бўлди.

Ха, умри далада ўтган, пафос билан гапиришни билмайдиган, раҳбарларга ялтоқлик қилишдан ҳазар этадиган Мўмин деҳқоннинг эътирофича бор — давлатимиз раҳбарининг оталарча меҳри, юрочаклиги, бағрикенглиги олдйда бош эгмай илож йўқ!

Президентимиз ўз мурожаатида: “Бу курашда тиббий чоралар билан бирга юксак тафаккур, қатъий интизом, сабр-тоқат ва улкан масъулият кўрсатишимиз лoзим. Бу сифатлар бизнинг энг асосий ва энг таъсирчан қуролишимизга айланиши шарт”, дея илгари сурган талабларни бажаришга нечоғлик масъулият билан ёндашялмиз?

Бугун мана шу саволни юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ўзига берадиган кунлар келди. Энди қилинган хато, энди йўл қўйилган совуққон-лик — бу ўзига, оиласига ва, албатта, халққа, кeрак бўлса, инсониятга хоинлик, дея баҳоланади. Бундай хиёнатга қўл урган нобакорлар кимнингдир ҳақиқа эмас, балки ўнларнинг, юзларнинг умри-га, бахту саодатига, саломатлигига хиёнат қил-ган бўлади. Айнан шундай кечириб бўлмас ҳолат бизнинг Тошкент вилоятида, аникроғи, Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилаётган тақси ҳайдовчиси томонидан содир этилгани аламлидир! У корона-вирус юктириб олган бўлса-да, маънан носоғлом кишининг ишини қилиб, турмуш ўртоғи ёрдамида ҳаммадан яширинча бир неча кун мобайнида уй шaroитида даволалишига уринган. Охири вазият оғирлашгач, шифокорларга мурожаат қилишга мажбур бўлган!

Коронавирус грипп ёки одатий шамоллаш каби енглироқ кечадиган касаллик эмас, у билан уй ша-роитида мутлақо курашиб бўлмайди! Ахир яқин-дагима барчамизни ларазга солган фоҳижа — 39 ёшли врачнинг коронавирусни юктириб олганини билса-да, бепарволик қилиб, уйда ўзини даволаш-га урингани, касаллиқни кат эоқда ўтказиб юборга-ни, натижада беватқ ҳаётдан кўз юмгани нахотки ибрат бўлмаса? Бундай мисолларни дунё микё-сида минглаб учратиш мумкин.

Айрим “куча хандон — уй зиндон”ларнинг рес-публика комиссияси қўйган тақиқларга, қатъий та-лабларга бўйсунмаётгани, аникроғи, карантинга олинган бэъзи кишиларнинг халқимиз саломат-лиги ҳимояси важидан ташкил этилган карантин зоналаридан қочаётгани ҳам кечирилмас хатодир! Улар карантиндан қочиб қаерга бeрилади? Шуни ўй-лаб, дахшатли оқибатини ҳис қилиш нахотки қийин бўлса? Коронавирус уйин, эртак ёки фантастик кинолардагидек уйдирма эмас! Лаҳзаларда инсон-нин ҳаёти, бутун орузлари ҳал бўлади-қўяди!

Ўз демократик қарашлари билан дунёга ё-ҳуданнос солиб келган, бойлиги, шарт-шарoити юксак ўнлаб ривожланган мамлакатларнинг сў-замол раҳбарлари ҳам, кўша-қўша муқофотларга лойиқ қўрилган олим-и фазлоси ҳам бугун тил-сиз, забўн, бу офат қарашда ожиз бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Президентимиз мамлакатдаги ҳар бир корхона-ташкilotнинг раҳбаридан оддий ишчисигача, қўйингки, бахтини оиласининг сао-дати билан чамбарчас деб билган ҳар бир кишини темир интизомга чорлаяпти ва бизни бу борада шахсий намуна қўрсатишга даъват этапти. Давла-тимиз раҳбари ватандoшларимизни рухлантирар экан, бу жараён бизни янада жипслаштиришига, меҳр-оқибатда барқарор, бир-биримизга елкадош бўлишимизга қатъий ишонмоқда!

Ота-боболаримиз, қайвони момоларимиз дуо қилганида, албатта, “Тўрт мучанг соғ-саломат бўлсин!” дейишни унутмайди. Бу ўз-ўзидан пайдо

Бугунги воқелик шундан далолат берадики, коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида тобора кўпроқ мамлакатлар инсон ҳуқуқларига бевосита таъсир қиладиган қатъий чораларни, жумладан, ҳаракатланиш ва шахсий ҳаёт эркинлигига дахл қиладиган чекловларни қўлламақда. Бинобарин, фавқулодда ҳолат ва хавфсизлиқни таъминлаш бўйича карантин билан bogʻлиқ бошқа ҳар қандай чора-тадбирлар, албатта, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципига таяниши шарт.

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

таъкидланган. Ҳукумат барча маълумот-ларни очик ва ошқора эълон қилаётгани ҳамда аҳоли ахборот олиши учун текин интернетни йўлга қўйгани қайд этилган.

Мақола муаллифи KoronavirusInfo ка-нали фаолиятига ҳам тўхталиб, унда 1,2 миллиондан зиёд обуначи кўнлик маълу-мотларга эга бўлаётганини таъкидлайди, ушбу муваффақиятлар бошқа мамлакат-лар учун ҳам ўрнак бўлиши кераклигини эътироф этади.

BBC 3 апрелдаги таҳлилида Прези-дент Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни рағбатлантиришга доир қўшимча чо-ра-тадбирлар тўғрисидаги фармонни имзолаганини билдириб, унга мувофиқ, жумладан, туристик ва меҳмонхона фа-олияти билан шуғулланувчи тадбиркор-лар шу йил якунига қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилгани, карантин даврида ўз фаолиятини тўх-татишга мажбур бўлган якка тартибда-ги тадбиркорларга даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилга-ни, тушуми ўтган ойдагига нисбатан 50 фоиз камайган кичик бизнес субъектла-рига айланмадан олинадиган солиқ, ер

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ ва сув солиғини тўлаш муддати шу йил 1 ок-тябрга қадар кечиктирилгани, 1 апрелдан бошлаб юридик шахсларнинг табиий газ ва электр энергияси учун олдидан тўлов мажбурияти амалдаги 100 фоиздан 30 фоизга туширилгани, Тадбиркорлик фа-олиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ёрдам бериш кўлами янада кенгайтирилганини алоҳида қайд этади.

Россиянинг REGNUM ахборот агент-лиги ҳам Ўзбекистон Президентининг коронавирус даврида иқтисодиётни ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашга қар-атилган фармонида кўзда тутилган имтиёз ва рағбатларни шарҳлаб, дав-латимиз раҳбарини: “Туристик ва меҳ-монхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар шу йил якунига қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилади. Уларга ижтимоий солиқ ставка-си ҳозирги 12 фоиздан 1 фоизга туши-рилади. Ушбу имтиёздан соҳада хизмат кўрсатаётган миндан ортиқ субъект фой-даланиш имкониятига эга бўлади”, деган сўзларини келтиради.

“Бундан ташқари, карантин даврида ўз

КОРОНАВИРУС — ЎТКИНЧИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — БАРҲАЁТ

Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори

Бугунги кунда бутун дунёга коронавирус инфекцияси жиддий хавф солиб турибди. Шу муносабат билан БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар тимсолида жаҳон ҳамжамияти барча давлатларни COVID-19 вируси пандемиясига қарши кураш шароитларида аҳоли соғлиғини ҳимоя қилиш ва бу борадаги инсон ҳуқуқларини таъминлашга чақирмоқда.

Хусусан, коронавирус инфекцияси аниқланган мамлакатларда инсонларнинг яшаш ва соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барча эҳтиёжмандларнинг ҳаёт қандай камситишларсиз тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконига эга бўли-шини таъминлаш юзасидан тегишли чоралар қўри-лиши сўралмоқда. Аҳолининг COVID-19 хатари олдида нисбатан заиф қатламлари, яъни кексалар, ногиронлар, аёллар, муҳожиқлар, бошланасиз ки-шиларга мунтазам гамхўрлик қўрсатиш зарурлиғи-га аҳамият қаратилмоқда.

Ҳаракатланишни ялпи кечлаш чоралари жорий этилган мамлакатларда ҳукуматлар болалар ва ўсмирларни масофадан ўқитиш учун барча воси-та ҳамда имкониятларини ишга солишлари лoзим. Бундан ташқари, давлатлар ҳеч кимни гамхўрлик ва эътибордан четда қолдирмаслик учун аҳолининг эҳтиёжманд гуруҳларини асосий товарлар ва хиз-матлар билан таъминлаб туриши тақозo этилади.

Яқинда БМТ тарихида илк бор коронавирусга қарши кураш бўйича резолюция қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лoзим. Бош ассамблеяда 188 та давлат, жумладан Ўзбекистон ҳам ҳаммуаллиф ҳисобланувчи ушбу резолюция бўйича овоз бeриш пандемия сабабли йигилга олинмаётгани учун янги қондалар бўйича ўтказилди.

БМТга аъзо давлатлар қабул қилган ва кучга кирган маъзур резолюцияда коронавирусининг жа-миятга вайронкор таъсири, иқтисодиётга жиддий зарар етказаяётгани, глобал сафарлар ва савдога эътибор қаратилган. Унда халқаро ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлаш ва БМТнинг пандемияга қар-ши глобал курашда марказий роль ўйнаши, нoчор ва пандемиядан энг кўп жабр кўрган давлатларга кўмак кўрсатиш зарурлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, БМТ ҳужжатида коронавирусга қарши курашда тахирлаш ва ксенофобиянинг ҳар қандай туридан воз кeчиш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш лoзимлиги белгилаб қўйилган. Ҳуж-жат, шунингдек, халқаро ҳамжамиятини коронави-русга қарши курашдаги маълумотлар, билимлар ва ютуқлар билан бўлишишга чақиради.

Бугунги воқелик шундан далолат берадики, ко-ронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида тобо-ра кўпроқ мамлакатлар инсон ҳуқуқларига бевоси-та таъсир қиладиган қатъий чораларни, жумладан, ҳаракатланиш ва шахсий ҳаёт эркинлигига дахл қиладиган чекловларни қўлламақда. Бинобарин, фавқулодда ҳолат ва хавфсизлиқни таъминлаш бўйича карантин билан bogʻлиқ бошқа ҳар қан-дай чора-тадбирлар, албатта, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принциплига таяниши шарт.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комис-сари бир қатор ҳукуматлар ва халқаро ташкилот-лар COVID-19 вирусига қарши курашининг инсон ҳуқуқларига, аиникса, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳуқуқларга кўрсатадиган таъсирини юмшатишга қаратилган муҳим чораларни татбиқ этаётганини кўтлади.

Бу ҳақда фикр юритганда, мамлакатимизда ушбу хатарни бартараф этиш учун барча зарур чоралар қўрилаётганини қайд этиш мақсадга му-вофиқдир. Энг муҳими, бунда, аввало, инсон ман-фаатларининг ҳар нарсадан устунлиги талабидан келиб чиқилмоқда.

Ўзбекистоннинг коронавирус пандемияси ол-дини олиш ва унга қарши кураш бўйича стратегик режасида кўзда тутилган умумий мақсад — қатъият билан касаллик тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг кучи шундаки, бутун мамлакат ушбу панде-мияга қарши курашда ягона режага амал қилиши

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилади. “Ушбу имтиёз қарийб 150 минг якка тартибдаги тадбиркорга катта кўмак бўлади”, деб қайд этди Президент”, дея ёзади REGNUM.

Дунё медиамаконида мамлакатимизда коронавирус пандемияси туфайли жаҳон-да юз бераётган инқирознинг иқтисодиётим-изга кескин салбий таъсири олдини олиш мақсадида қўрилаётган зарур чора-тад-бирлар, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари асосида аҳоли ва бизнес тузилмаларига бeрилаётган қўллаб имти-ёз ҳамда преференциялар, саховатпеша инсонларнинг ёлғиз кексалар, эҳтиёж-манд оилаларга хайр-саховати ва уларни ўз манзилларига етказиш бўйича амалга оширилаётган ташкилий тадбирлар ҳақида хабар, мақола, таҳлилий шарҳларга мунта-зам ўрин бeриб бoрилмоқда. Бу, ўз навба-тида, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ва ижобий имижи мустаҳкамланиб бoраётганидан далолат бeради.

Шу ўринда ўтган йил ёзда юрти-мизга ташриф буюрган Жаҳон банки-

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

нинг Европа ва Марказий Осиё бўйича вице-президенти Сирил Мюллернинг Жаҳон банки ўзгаришларнинг фуқаро-лар ҳаётига қандай таъсир кўрсатаёт-ганини билиш мақсадида ҳар ойда “Ўз-бекистон фуқароларини тинглаш” номли сўров ўтказишини, тадқиқотнинг 95 фоиз иштирокчиси мамлакат келажагига ишонч билан қарашини эътироф этгани ёгда тушади. Бу ишонч бугунги кунда янада мустаҳкамланиб, юксак ақл-за-коват, сабр-тоқат, улкан масъулият ва саховат каби фазилатларга йўғрилиб кетган. Президентимиз мурожаатидаги: “Бизнинг буюк ва танти халқимиз кўп асрлик тарихида не-не бало-қазоларни, урушлар ва очарчиликларни мардона-вор ениб ўтган. Бу синовдан ҳам муно-сиб ўтиб олишимизга қатъий ишонаман”, деган сўзлар ватандoшларимизга таянч, далда бўлгани ҳолда, қон-қардош кў-ни-қўшилар ва узоқ-яқиндаги халқлар кўнглидан ҳам жой олмоқда, бу борадаги эзгу сазй-ҳаракатларимиз эса ҳар то-монлама қўллаб-қувватланмоқда.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ
тайёрлади.



Хорижий давлатлардаги касаллик қайд этилган фуқароларимиз бeгона юртларда ўз ҳoлига ташлаб қўйилмасдан, чартeр рейслар билан олиб келин-моқда. Бу давлатимизнинг халқона меҳрибонлик сиёсатигана бўлиб қолмасдан, юртимиз фуқаро-ларининг ҳар бири Ўзбекистон фарзанди сифа-тида қаерда бўлишдан қатъи назар давлатимиз эътиборида, қарамоғида эканининг тасдиғидир. Ушбу бeморларда тўлиқ даволаш муoлажалари ўт-казилиб, жиддий асоратларнинг олдини олиш им-конияти борлиғи давлатимизда олиб бeрилаётган инсонпарвар сиёсатнинг яқол намойишидир.

Бошқача айтганда, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон халқи ўз давлатининг қудрати ва руҳини, улкан масъулият ва онглиқини намoён этмоқда, бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳо-ланмоқда. Нафрат ўзбек халқининг, балки бутун Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг хавфсиз-лиги ва соғлиғини таъминлаш бўйича аниқ чоралар қўрилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Респу-бликаси Миллий маркази коронавирус инфекция-сининг тарқалишига йўл қўймаслик, карантин ре-жимини бузганинн барча салбий оқибатларини аҳолига тушунтириш бўйича ўз вазифа ва ваколат-лари доирасида илчил иш олиб бoрмоқда.

Карантин талабларидан келиб чиққан ҳолда, бу муҳим ишларни асосан масофадан бажаришга тўғри кeлмоқда. Бунда Марказинг расмий сайти ва ҳамкор оммавий ахборот воситалари муҳим роъ ўйнаётганини қайд этиш лoзим. Мисол учун, мамлакатда коронавирус инфекцияси аниқлан-гани расман эълон қилинган вақтдан буюн ўтган даврда сайтимизда айнаи мавзуда 100 тадан ортиқ ахборот, видеолавҳа ва инфoгpафика жойлашти-рилди.

Кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда ко-ронавирус инфекциясига доир аниқланишларнинг шахсий маълумотларига қилинган кишоротлар ҳам тарқалгани кузатилди. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Мил-лий маркази томонидан коронавирус тарқалиши шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарблиғи мавзусидаги ахборотларни тарқатиш масаласига алоҳида уруғ бeриди. Бунда жамо-атчилигимиз эътибори Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг айнаи йўналишдаги қақиркирларига қаратилди.

Ортимизда жорий йилнинг 28-29 май кунлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд фурумини ўтказишга тайёргарлик қўрилаётганди. Жаҳон со-лиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2020 йил 11 мартда COVID-19нинг пандемия деб эълон қили-ниши муносабати билан, шунингдек, коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекис-тон Республикаси ҳукумати ушбу фурумини кейинга қолдирисига қарор қилди.

Уйимиз — қўргонимиздир. Ҳар биримиз уйи-миздагича хавфсиз бўлишимиз мумкин. Статистик рақамлардан кўриб турибмиз: касалланганлар сони ортиб бoрмоқда. Чеклов тадбирларига, каран-тин қондаларига, шифокорлар тавсияларига амал қилсаккича вазият чигаллашти кeтишининг олдини оламиз.

Тарғибот

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ОНЛАЙН ДАВОМ ЭТАДИ

Ф.ЭРНАЗАРОВ,
тарих фанлари доктори

Бугун дунёга хавф солиб турган коронавируснинг мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида барча таълим муассасаларида навбатдан ташқари таътил эълон қилинди. Бу ҳолат жамиятнинг ҳар бир онгли аъзосини реал воқеликка янгича ракурсдан назар ташлашга ҳамда ўзини тафтиш қилишга ундайди.

Таътил кунлари нима қилсак, мана шу жонажон юртимизга кириб келган пандемияни енгишга муносиб ҳисса қўша оламиз, деган фикр кўплаб ватандошларимиз кўнглидан кечаётгани сир эмас. Сирдан қаралганда, ўқув йили аввалида кўзланган таълимий режалар деярли бажарилмоқда. Лекин жараёнинг иккинчи томони ҳам бор — у қомил инсон тарбияси. Кўпинча, жамиятда содир бўлган турли ноҳуш ҳолатлар аввал мавжуд бўлган ахлоқий ва маънавий қадриятларнинг емирилишига ҳам олиб келиши

мумкин. Бундай шароитда тизимни мустаҳкамлаш, ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясига таъсир кўрсатишга асосланган, бўлғуси зиёлилар маданиятини шакллантириш ва такомиллаштириш йўлида муайян тартиб-қоидаларни жорий этиш лозим.

Карантин шароитида талаба-ёшлар билан маънавий-маърифий ишларни олиб бориш, уларнинг ўз соҳаларида етук мутахассислар бўлишлари учун мавжуд тизимни қайта ислоҳ этиш, муайян ижтимоий шароит имкониятларидан келиб чиққан ҳолда он-лайн илмий-ижодий изланишлар шаклида танловлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда пойтахтдаги мавжуд олий таълим муассасалари талабаларининг 80 минг нафари мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келиб ўқиётган ёшлардир. Умумий талабалар сонини 500 мингга яқин деб олсак, келтирилган рақам кичик эмас, албатта. Улар орасида юзлаб иқтидорлилар мавжуд. Шу сабабли талабалар ўртасида “Мен Ватанга керакман!”, “Мени Ватан кутмоқда”, “Мен тугилиб ўсган хулуд” каби мавзуларда интеллектуал танловлар лойиҳасини ишлаб чиқиш мақбул иш бўлади.

Мазкур лойиҳалар ёш тадқиқотчиларнинг ўз юрти, Ватанимизни қай даражада билиши ва унинг раънақи, келажак истиқболи учун дахлдорлик, миллий фахр туйғуларини тарбиялашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ҳамкорлик ҳикмати



ДЎСТ ОҒИР КУНДА БИЛИНАДИ

Гулчирой ИСОҚОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бутун дунёни ташвишга қўяётган коронавирус пандемияси хавфидан мамлакатимиз аҳолисини химоя қилиш мақсадида кўплаб чоралар кўрилмоқда. Уни бартараф этиш учун биргаликда курашиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Энг муҳими, ҳамкор ташкилотлар ҳам юртимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларга ўз

ҳиссасини қўшмоқда. Ана шундай ҳамкорлардан бири — Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида фаолият юритаётган “Пенг-Шенг” Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси таъсисчиси “ZHUANG LIQING” компанияси 50 минг дона тиббий ниқоб, коронавирус инфекциясини тезкор аниқлашда ишлатиладиган 1000 дона тест синамасини ёрдам тариқасида Сирдарёга жўнатди.

— Хитойдан келтирилган тиббий маҳсулотларни қабул қилиб олиш маросимида Сирдарё вилояти ҳокимлиги вакиллари иштирок этди. Беғараз ёрдам учун вилоят аҳли номидан миннатдорлик билдирилди.

Ҳамкорларнинг мазкур кўмаги “Дўст оғир кунда ҳам билинади” деган ҳикматнинг бугунги синовли кунлардаги яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Дилдаги гап

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Вирусология илмий текшириш институти жонлантириш бўлими даволовчи шифокори Зафар Мейлиев бир неча йиллардан бўён оиламизнинг қадрдон дшти. Ўз қабнинг жонкуяри бўлиши билан бирга, кўп китоб ўқиши, ер юзи вирусологларининг илмий тажрибалари, билимларини тинимсиз ўрганаётгани билан диққатимни тортган бу ёш шифокорни карантин бошланиши билан йўқотиб қўйдим. Аммо доим хаёлимда: “Зафаржон ҳам ўша “жанг майдони”да, бошқа қаерда ҳам бўлар эди. Нима бўлса ҳам соғ-омон бўлсин. Қашқадарёда унинг дуои жонини қилиб турган кекса ота-онаси, уйда болаларига “Дадажонингиз навбатчиликда, касалларни даволаяпти. Беморларни ташлаб келолмайди. Ҳадемай барчасини даволайди, кейин уйимизга қайтади. Унгача биз қўлларимизни совунлаб ювиб, кўчага чиқмай дарс қилишимиз керак”, дея болаларини овутиб турган жуфти ҳалоли бор”, деб ўйладим.

Карантин эълон қилингандан уч кун ўтиб Зафаржонга SMS юбордим: “Биламан, сиз ҳам кеча-кундуз жонлантириш бўлимидасиз. Мен сиз ва ҳамкасбларингизнинг фидойилигиниғизга ишонаман. Қачон қўлингиз бир оз бўш бўлганда “Хаммаси яхши, хавотир олманглар”, деб ёзиб қўйсангиз бўлди”.

Ролпа-роса ўн бир кун деганда, яъни 2 апрель куни SMSимга Зафаржондан жавоб келди: “Опа-жон, хавотир олманглар. Мана, юзимиз ёруғ бўлиб иккинчи гуруҳ беморларни соғ-саломат кузатяпмиз. Барчамиз бардаммиз. Мен оддий шифокор бўлиб, халқимнинг оғир кунда жонига малҳам бўлаётганимдан розиман. Бу ерда ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ғанимат. Чунки бир инсоннинг азиз умрини сақлаб қолиш учун баъзан

дақиқалар кифоя қияпти.

Телевизор орқали кўраётган бўлсангизлар керак, Президентимиз биз шифокорларни қанчалар кўкларга кўтариб: “Коронавирусга қарши курашда зарбани биринчи бўлиб шифокорлар қабул қияпти”, деди. Аслида биз тиббиёт аҳли давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлигидан қуч-қувват олиб турибмиз. Ҳар кечаю кундуз у кишининг меҳрини ҳис қилиб ишлаяпмиз. Энг янги тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар, ташхис аппаратлари, тестлар билан таъминландик. Чет элнинг энг илгор тиббиётчилари билан видеоконференциялар ўтказмоқдамиз. Улар ҳам ўзбек шифокорларининг амалиётларига юқори баҳо бермоқда. Қисқа вақт ичида қурилаётган йирик шифохоналар ҳам, мамлакатда сафарбар этилган ҳомийликлар, бо-

Электрон тизимнинг қулайлиги шундаки, ҳосил йиғилганидан сўнг ҳам унинг фаолияти маҳсулотларни қайта ишлаш, қадоқлаш, тозалаш, навга ажратиш, етказиш ва бошқа қўшимча қиймат занжирларини яратиш каби йўналишларда давом этади. Қисқаси, “Ақлли қишлоқ ҳўжалиги” технологиялари юқори ҳосилдорлик ва сифатга эришиш, сув сарфи ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш, ҳосилни режалаштириш ва прогнозлаш каби йўналишларда муҳим ўрин тутати.

Рақамли технологиялар



МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ 30 ФОИЗ ОШИРАДИ, ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЮЗ ФОИЗ МАШИНАДА ТЕРИБ ОЛИШ, ЮҚОРИ СИФАТЛИ ЭКИН НАВЛАРИ ЯРАТИШНИ ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАЙДИ

Шерзод НОСИРОВ,

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг инновацион технологияларни жорий этиш ва қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш бошқармаси бошлиғи

Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорларига биноан, 2020 йилдан бошлаб қишлоқ ҳўжалигига бозор механизмларини кенг жорий этиш, тўлиқ рақамлаштириш, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш мақсадида пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиш ҳамда бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтиш белгилаб берилди. Бу борада Президентимиз томонидан 2020 йил 28 январда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлади.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги соҳада инновацион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратмоқда. Олиб борилаётган изланишлар, турли даражадаги ҳамкорликлар негизида тармоқда туб бурилишлар рўй бериши кутиляпти. Аввало, сунъий йўлдош тасвирлари ва техник воситалари ёрдамида рақамлаштиришни босқичма-босқич амалга оширишда “Ақлли қишлоқ ҳўжалиги”ни жорий этиш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилади. Лойиҳа амалиётга татбиқ этилса, деҳқончилик маҳсулотларининг экспорт имконияти кенгайди, “ишлаб чиқаришдан пештахтагача” кузатув тизимини 50 фоиз ишга туширишга эришилади. Меҳнат унумдорлиги 30 фоиз ошиб, пахта ҳосили тўлиқ машинада териб олинади. Стрессларга чидамли, юқори ҳосилдор, ташишга мослашган, биоактив моддаларга бой экинлар навларини яратиш 100 фоиз таъминланади.

Қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва уларда етиштириладиган экинлар ҳолатини тезкор ҳамда аниқ баҳолашда ҳам сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланиш, масофадан зондлаш технологиялари тажрибадан ўтказилади. Бу билан республика бўйича барча турдаги қишлоқ ҳўжалиги экинларини аниқлаш ва майдонларни баҳолашга эришилади. Сунъий йўлдош маълумотлари республикада “аниқ деҳқончиликни юритиш” бўйича ахборот-таҳлилий базани шакллантиришга хизмат қилади ва фермер ҳўжалиklarининг мобил иловадан фойдаланиши имконияти яратилади.

Яна бир муҳим йўналиш — “Ақлли иссиқ-

хона” технологияси бўйича лойиҳалаштириладиган объектлар сони 500 тага етказилади. Чорвачиликда эса маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган тизими йўлга қўйилади. Бунинг натижасида соҳада ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар 15 фоиз қисқаради.

Мамлакатимизда рақамли қишлоқ ҳўжалигига ўтиш ишлари қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат ташиқоти (ФАО) ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга ошириляпти. Эндилқда экин ерлари, яйлов ва ўрмон майдонларини электрон тарзда мониторинг қилиш лойиҳаси, қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштиришга ўтишининг фазалари ва йўналишларини аниқ белгилаш бўйича техник-иқтисодий асоснома ҳамда техник топшириқ ишлаб чиқилади.

Президентимизнинг 2019 йил 17 июндаги фармони билан тасдиқланган концепция доирасида қишлоқ ҳўжалигида фойдаланишга киритиладиган ерларни геоахборот тизими орқали мониторинг қилиш мақсадида маҳсус онлайн платформа прототиби яратилди. Агросаноат мажмуига тегишли барча вазирлик ва идоралар ахборот тизимларининг интеграциясини таъминлайдиган ягона дастур ҳам ишлаб чиқилади. Айни пайтда эса “Ақлли қишлоқ ҳўжалиги” давлат дастури лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда.

Қишлоқ ҳўжалигининг такомиллашган тизимларида турли “ақлли технологиялар” (смарт-сенсорлар) экин ва атроф-муҳит шароитидан келиб чиқилган ҳолда ўрнатилади. Масалан, зараркунандалар ва касалликларни олдиндан аниқловчи, иқлим назорати — ҳароратни, намликни, карбон диоксид дара-

жасини ўлчовчи воситалар, озуқа моддалари билан таъминлаш ва сугориш асбоблари қабилар шулар жумласидан. Уларнинг қўлланилиши ҳосилдорликни камида 30 фоиз оширишни кафолатлайди. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш занжирларида ҳам такомиллашган тизимлар жорий этилади ва пировардида катта ҳажмдаги электрон маълумотларни йиғиш имконияти яратилади. Уларни сақлаш ва таҳлил қилиш натижасида эса сув, ер ва бошқа чегараланган ресурслардан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мумкин.

Электрон тизимнинг қулайлиги шундаки, ҳосил йиғилганидан сўнг ҳам унинг фаолияти маҳсулотларни қайта ишлаш, қадоқлаш, тозалаш, навга ажратиш, етказиш ва бошқа қўшимча қиймат занжирларини яратиш каби йўналишларда давом этади. Қисқаси, “Ақлли қишлоқ ҳўжалиги” технологиялари юқори ҳосилдорлик ва сифатга эришиш, сув сарфи ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш, ҳосилни режалаштириш ва прогнозлаш каби йўналишларда муҳим ўрин тутати. Шу билан бирга, смарт-технологиялар жорий этилиши ёш авлод вакилларида бу тармоққа қизиқиш уйғотади. Бу эса соҳада янги иш ўринлари қўлайлишига йўл очади. Аммо рақамли қишлоқ ҳўжалигини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ масала ҳам борки, у соҳани чуқур биладиган ҳамда замонавий техник-технологик билимларга эга малакали кадрлар талабини юзага келтиради. Энг аввало, қишлоқ ҳўжалигида янги касб эгалари — дастурчи, ITо (асбоблар интернети) муҳандиси, IT-мутахассислар зарур бўлади.

Президентимизнинг ўтган йил 19 августдаги “Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ушбу олий таълим муассасаси ва унинг филиалларида қишлоқ ҳўжалиги таълими ва илм-фанини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб тармоққа инновацион ресурс тежамкор технологияларни қўллаш, “Ақлли қишлоқ ҳўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш белгиланди. Бу, олий таълим тизимида ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлашга давлат сиёсати даражасида қаралаётган айни пайтда қишлоқ ҳўжалигида ҳам рақамли технологиялар билан ишлай оладиган, халқро тажрибаларни пухта ўзлаштирган малакали кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўлади.

НАЖОТ ФАРИШТАЛАРИ



лаларимизнинг онлайн тизимда ўқиётгани — ҳаммаси таҳсинга лойиқ. Мен шундай қудратли юртнинг шифокори эканимдан фахрланаман.

Опа, энди биз ҳақимизда шеър ёзсангиз бўлади. Ҳарқалай, қўзимизда тикилиб келаётган қумдек оғир уйқуни сидириб, тик оёқда

туравериб навбатчиликдан сўнг оёқлар сирқираётганини сезган чоғларда шундай ўйладим. Биз бироз мизгиб яна палаталарга чопамиз, ҳа, ҳақиқий “жанг майдони”да ҳаёт учун, тирик қолиш учун кураш кетмоқда. Биз енгамиз. Яхши кунларда кўришгунча!”.

Орадан бир кун ўтиб Зафаржондан янги SMS олдим. Унда: “Опа, бирор нима ёздингиз бўлсангиз, қуйидаги ҳамкасбларимнинг исми-шарифини, албатта, қайд этсангиз, миннатдор бўлар эдим. Кўз ўнгимда уларнинг юзларида ажинлар кўпайди, сочларида оқ пайдо бўлди. Уларнинг барчаси қисқа вақт ичида қанчадан-қанча беморларни Аллоҳнинг ёрдами билан “тоқли аждар” оғзидан қайтариб олмоқда. Бир лаҳза ҳам ўлимга таслим бўлишгани йўқ, тўхтовсиз жасорат кўрсатишмоқда. Мана улар: Вирусология илмий текшириш институти бош шифокори Муҳайё Асилова, шу институт клиникаси жонлантириш бўлими мудири Хайрулла Файзуллаев, Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси анестезиолог-реаниматологи Санжарбек Отажонов, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори, пульмонолог Хайрулло Ражабов, шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси анестезиолог-реаниматологи Алишер Пўлатовлар ва бошқалар”, деб ёзибди.

Зафар Мейлиевнинг ҳамкасбларини сони бугунги кунда 100 мингдан зиёд. Улар карантин муддатини ўтаётганларга хизмат қилаётганлар, улар дори-дармон таъминотчилари, улар шошилинч ёрдам машиналарида елдек югуриб юрганлар. Улар - нажот фаришталари.

Кулайлик

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Аҳоли хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш мақсадида фуқароларга уйда қолиш, уч нафардан ортиқ кишининг бир жойда тўпланмаслиги тавсия этилаётган хозирги карантин вақтида “E-ijro aukstion” электрон савдо майдончаси сингари онлайн хизматлар инсонларнинг узоғини яқин, мушкулани осон қилмоқда.

“E-IJRO AUKSTION” — УЙДАН ЧИҚМАСДАН МУЛҚДОРГА АЙЛАНИШ ИМКОНИЯТИ

Онлайн аукционларни ташкил этиш ва ўтказишга ихтисослаштирилган мазкур электрон савдо майдончаси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ёки уй-жой қуриш учун ер участкалари, давлат активлари, қўчмас мулк ва бошқа мол-мулкларни харид қилиш истагидаги ҳамюртларимизга исталган жойда туриб, онлайн

савдоларда иштирок этиш орқали мулкдорга айланиш имкониятини беради. Онлайн аукционларни ўтказишда шаффофлик, қонунийлик таъминланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда мамлакатимизда расман рўйхатдан ўтган юридик шахслар ҳеч қандай тўқсизликсиз иштирок этиши мумкин.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА БЎЛГАН ПЛАТФОРМА



2017 йилнинг 1 сентябрида “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси таркибида фаолиятини бошлаган “E-ijro aukstion” ягона электрон савдо майдончаси 2019 йилда Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфига ўтказилди. Айни пайтда ягона электрон савдо майдончасида 12 та йўналишда мол-мулклар реализация (сотиш ва ижарага бериш) қилиниб, ўз миқдорларига ер участкаларига бўлган ҳуқуқ, давлат активлари ва мол-мулкларни сотиш ҳамда ижарага бериш бўйича онлайн хизматларни кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, аукционлар довомида дарёлар ўзанларини тозалаш, қимматбаҳо металл ва норуца фойдали қазилмаларни қазиб олиш, ҳудудларни санитария жиҳатдан тозалаш сингари ҳуқуқлар ҳам реализация қилинади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмалари асосида мол-мулкларни сотиш, марказ томонидан жисмоний ва юридик шахсларга электрон онлайн аукционларда иштирок этишда талаб қилинадиган электрон рақамли имзо калитини бериш хизматлари ҳам ташкил этилган. Ушбу жараёнларнинг барчаси электрон тарзда, инсон омили аралашувисиз амалга оширилиб, коррупция ҳолатларига йўл бермайди.

— Президентимизнинг давлат активларини хусусийлаштириш, ер участкаларини шаффоф ва очиқлик тамойилларига асосланган электрон он-

лайн аукционлар орқали реализация қилиш бора-сидаги илсхотларининг амалий натижаси бўлган “E-ijro aukstion” ягона электрон савдо майдончаси бугунги кунда давлат активлари, ер участкаларини онлайн сотиш ёки ижарага бериш, турли йўналишларда рухсатномалар тақдим этиш бўйича танлов ва аукционларни ўтказишда самарали фаолият олиб бормоқда, — деди Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” ДУК директори Муҳиддин Хўжаев. — Ушбу платформа нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам ҳозирча ягона ҳисобланади. 2019 йилда ягона электрон савдо майдончаси фаолияти билан яқиндан танишимиз, Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш мақсадида юртимизга келган Россия, Тожикистон ва Қирғизистон мамлакатлари делегациялари “E-ijro aukstion” фаолиятига юқори баҳо бериб, амалиётда қўллаш мумкин бўлган лойиҳа сифатида эътироф этди. Ҳозирги вақтда савдо майдончаси фаолиятини янада такомиллаштириш, ушбу тизимни тўлиқ электронлаштириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, голиблик баённомаларини иштирокчиға электрон тарзда етказишнинг йўлга қўйилиши онлайн аукционларнинг тўлиқ электрон тизимга ўтказилишида яна бир муҳим қадам бўлди.

РЎЙХАТДАН ЎТИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Онлайн аукционларда иштирок этиш учун жисмоний ва юридик шахслардан электрон рақамли имзо калитини эга бўлиш, ҳисобрақамни тўлдириш ҳамда e-aukstion.uz сайти орқали рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Шахсий кабинет яратиш учун фойдаланувчининг шахсий маълумотлари, электрон почта манзили, мобил телефон рақами киритилиши зарур. Рўйхатдан ўтгач, иштирокчи ҳисобварақни ўзига қўлай банк филиали ёки масофадан туриб — электрон тўлов тизимлари (Payme, Click, Oson.uz, Paynet) орқали тўлдириши мумкин. Шундан сўнг қатнашчи мулкка ариза беради ва олдиндан белгиланган маблағни электрон тўлов асосида амалга оширади. Онлайн аукцион ўтказиладиган кунда шахсий кабинетдаги “Менинги аукционларим” бўлими орқали бошланган аукционларда иштирок этишини тасдиқлайди.

БАРЧА ХИЗМАТЛАР ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Онлайн аукцион савдо яқунланганидан сўнг голиб ва голибдан олдин охириги нархни тасдиқлаган иштирокчи эълон қилинади. Голиб томонидан белгиланган муддатда мулк учун тўлов амалга оширилган, унинг номига голиблик баённомаси расмийлаштирилади. Ушбу баённома мол-мулкни голиб номига ўтказиш учун асос ҳисобланади. Мазкур жараёнларнинг барчаси электрон тарзда амалга оширилади ва фуқаролардан ортиқча оворатгарчилик талаб этилмайди. Жумладан, голиблик баённомаси иштирокчининг электрон почта манзили ёки почта алоқа тармоғи орқали ўй манзилига етказилади. Голиб аукционда қўлга қиритган ер участкалари ҳамда қўчмас мулк ҳам давлат кадастр идоралари томонидан онлайн тарзда рўйхатдан ўтказилади ва иштирокчининг номига расмийлаштирилади. — 2020 йилнинг дастлабки 3 ойи мобайнида “E-ijro aukstion” ягона электрон савдо майдончаси орқали бошлангич нархи 264 миллиард сўм

Ҳуқуқни яхши тушунган одам бу меъёрлар моҳиятини англашда қийналмайди. Яъни мазкур нормалар, айрим юртдошларимиз талқин қилаётганидек, адвокатларнинг ҳуқуқларини чеклаш, улар фаолиятини асоссиз назоратга олиш эмас, аксинча, адвокат институтини мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Ҳуқуқ

Алишер ҲАМРОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 24 марта бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида маъқулланган тегишли қонун билан “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этилмоқда.

Қонунларнинг оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда муҳокама этилиши жуда қувонарли ҳолат. Бу қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларида, шунингдек, уларнинг ижроси устидан жамоат назорати ўрнатаётганининг яққол далилидир. Аммо қонун ва қонун лойиҳалари муҳокамасида иштирок этиш учун қонуннинг мақсади, вазифаси, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаш лозим. Хўш, аслида қонунда нима назарда тутилган? Адвокатнинг телефони қандай ҳолатларда эшитилиши, назоратга олиниши мумкин? Ўзбекистон Жиноят процессуал кодексининг 170-моддаси ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосан, адвокатлик мақомига эга бўлган шахс суриштирув, тергов ва суд қарорларига гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи

АДВОКАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ КУЧАЯДИ



сифатида асослантирилган ҳолда қайд этилган тақдирда унинг телефони сўзлашувлари санкция асосида эшитилиши, назоратга олиниши мумкин.

Демак, адвокатнинг телефони санкция асосида эшитиш учун у жиноят иши бўйича асослантирилган вақт билан гумон қилиниши, айбланувчи ёки судланувчи бўлиши шарт. Хўш, бундай санкцияни ҳар қандай прокурор бера оладими? Йўқ, албатта. Тегисли қонун ҳужжатлари меъёрларига асосан, фақат ва фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақолпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳри прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларига санкция беришга ваколатлидир. Бу ерда “уларга тенглаштирилган прокурорлар” деганда, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори тушунилади. Демак, қонунга асосан, ҳар қандай проку-

рор ҳар қандай адвокатнинг телефони эшитишга санкция беришга ваколатли эмас. Шунини таъкидлаш лозимки, суриштирувчи ва терговчининг адвокатнинг телефони эшитиш, назорат олиш тўғрисидаги қарори етарли даражада асослантирилган бўлса, прокурор қарор юзасидан санкция бериши рад этишга ҳақлидир. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган қонунда адвокатнинг телефони эшитиш ёки назорат қилиш учун санкция берилиши мумкин бўлган ҳолатлар яққол акс эттирилган бўлиб, санкция берувчиларнинг ва санкция остига олинувчиларнинг доираси ҳам аниқ ва қатъий белгиланган. Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш довомида адвокатларнинг ҳуқуқларини чекловчи меъёрлар киритилмаган. Аввал, яъни амалда бўлган қонунда ваколати мавжуд бўлган прокурорнинг санкция асосида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи сифатида қарорда белгиланган адвокатнинг телефони эшитишга йўл қўйилган. Шу ўринда масаланинг яна бир нозик жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Ҳозир ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган давр. Эндиликда телефон қўнироқлари билан бир қаторда СМС-хабарлар, ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалар шаклидаги узатмалар орқали ҳам мулоқотда бўлиб, жиноятлар содир этиш ҳолатлари учрамоқда. Матн шаклидаги маълумот узатилишларини эса эшитиб бўлмайди. Шу боис, уларни назорат қилиш эҳтиёжи мавжуд. Қонундаги “эшитиш” деган тушунчанинг “назоратга олиш” билан алмашгани сабабини шу билан изоҳлаш мумкин. Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши натижасида илгари санкция, яъни рухсат талаб этилмаган ҳолат — адвокатнинг телекоммуникация қурилмалари орқали узатиладиган хабарлари ва маълумотномаларини назорат этиш учун ҳам санкция талаб қилинмоқда.

Холбуки, аввал гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи сифатида қарорда белгиланган адвокатнинг телекоммуникация қурилмалари орқали узатиладиган хабарлари ва маълумотномаларини назорат қилиш учун санкция талаб этилмас эди. Қонунда адвокатнинг ҳуқуқлари тергов ва суриштирув органларига бундай ҳолатларда санкция олиш мажбуриятини юклаш орқали кафолатланмоқда. Ҳуқуқни яхши тушунган одам бу меъёрлар моҳиятини англашда қийналмайди. Яъни мазкур нормалар, айрим юртдошларимиз талқин қилаётганидек, адвокатларнинг ҳуқуқларини чеклаш, улар фаолиятини асоссиз назоратга олиш эмас, аксинча, адвокат институтини мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрда қабул қилинган “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини қучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди адвокатура институтини янада ривожлантириш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу қарорга мувофиқ, айни пайтда Ўзбекистон адвокатлар палатаси томонидан Адвокатура институтини ривожлантириш концепцияси лойиҳаси тайёрланмоқда. Бу лойиҳада соҳани тубдан илсхот қилиш билан боғлиқ барча жиҳатлар, шу жумладан, адвокатнинг дахлсизлигини таъминлашда уларга нисбатан тезкор-қидирув ва суд-тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида санкция беришни прокурорлар ваколатидан судларга ўтказиш кўзда тутилган. Бундай муҳим ҳуқуқий илсхотлар жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини янада қучайтириш, демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида муҳим қадам бўлади.

Кичик бизнес

КАТТА ИМКОНИЯТЛАР ТУФАЙЛИ ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
журналист

Президентимизнинг 2018 йил 8 июндаги “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори оилавий тадбиркорлик, хунарамандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш, ҳар бир оиланинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароит яратиш ва илсизликка барҳам беришга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланади.



Шу қарор асосида бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Уларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, ишбилармонлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Қорақолпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги “Оралбай Нукус” оилавий корхонаси 2014 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. Бўлғуси тадбиркор Памир Сержанов 2009 йили Нукус иқтисодиёт коллежини тугатган, чет элга иш қидириб кетди. Қўшни давлатлардан бирда темир дарвоза, эшик ва ромлар ишлаб чиқарадиган хусусий корхонада ишлайди. Хорижда тажриба тўплаб, уйига қайтган эса отаси Оралбай Бекимбаевга ўзларининг оилавий корхонасини очилини таклиф қилади. Илгари пайвандчи бўлиб ишлаган отаси ўғли Памирнинг таклифини қўллаб-қувватлайди. Шу тариқа Нукус шаҳрида темирдан эшик, дераза ва дарвоза ишлаб чиқарадиган оилавий корхона иш фаолиятини йўлга қўяди. Тадбиркор ишни дастлаб ижарага олинган жойда бошлайди. 2017 йили эса Тахиятош туманидаги кичик сонаот ҳудудида бўш

турган 1000 квадрат метрга эга иморатни 5 йил муддатга 1 миллиард 200 миллион сўм сармоя киритиш ва 20 та иш жойи ташкил этиш шarti билан ноль харид қийматида олади. Кейинроқ корхона учун яна қўшимча 2500 квадрат метр жой харид қилинди. Оилавий корхонада ҳозирги пайтда 12 киши доимий иш билан таъминланган. — Махсусотларимизни бозорга чиқаряпмиз, шунингдек, шахримизда қурилаётган кўп қаватли уйлар учун буюртмалар асосида тайёрлаб бермоқдамиз, — дейди Памир Сержанов. — Келгусида қўшни Қозоғистонда ўз дўконларимизни очиб, махсусотимизни экспортга чиқариш ниятимиз бор. Харидорларга маъқул келадиган дияндаги эшикларни ишлаб чиқариш мақсадида хитойлик ишбилармонларга миллий орнаментлар туширилган махсус қопилпарга буюртма берганмиз. “Оралбай Нукус” оилавий корхонаси фаолиятини кенгайтириш мақсадида 2015 йили 22 фоизли 48 миллион сўм, 2016 йили яна 22 фоизли 150 миллион сўм кредит олган эди. Албатта, 22 фоизли кредит тадбиркорга бироз оғирлик қилади. Лекин иш тўхтаб қолмаслиги учун катта фоизда бўл-

са-да, кредит олишга мажбур бўлган эди ўшанда. Мамлакатимиз раҳбарининг “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури барча оилавий тадбиркор, хунараманд ва касаначилар учун катта имконият яратиб берди. Шу дастур асосида “Оралбай Нукус” корхонаси 2018 йили 8 фоизли 200 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, фаолиятини кенгайттирди. Бугунги кунда оилавий корхонанинг айланма маблағи йилига 2 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Бу корхонада устоз-шогирд аъёнаси ҳам йўлга қўйилган бўлиб, шу кунгача 25 нафар ёш йигит эшик ва ром ясаيدиган моҳир устага айланди ва ўзларининг мустақил фаолиятини бошлади. Навбатдаги қаҳрамонимиз Руслан Жоллибоев, Тошкент аграр университети Нукус филиали талабаси. У “Муҳаммад-Руслан” корхонасига 2017 йили асос солган эди. Руслан отаси Қўламан Утегенов билан бирга Чимбой тумани Қўштерак овул фуқаролар йиғини ҳудудидан умумий майдони 9,3 гектар ерни ижарага олди. 1,7 гектар ерда сунъий қўл барпо этиб, 3,4 гектар жойга балиқ озукаси учун экин майдонини ташкил қилди. Шунингдек, Президентимизнинг қарориди эслатиб ўтилган қарори асосида 7 фоизли 26 миллион 700 минг сўм имтиёзли кредит олиб, бу пулга 4 бош наслли қорамол харид қилди. — Биринчи йил балиқчиликдан 12 миллион сўм даромад олдик, — дейди тадбиркор Руслан Жоллибоев. — Шунингдек, имтиёзли кредит асосида сотиб олинган 4 та қорамол сони бугун 9 тага етди. Энди қўлга ўрдақ, ғоз олиб келиб, тадбиркорлик турларини кенгайтирмоқчимиз. Бу йил ҳам балиқни қўлайтириш мақсадида Тўртқўл ва Нукус туманидан инкубациядан чиқариладиган чавақларни шартнома асосида сотиб олишни рехалаштирганимиз. Хорижий тажриба таҳлилларининг кўрсатишича, иқтисодиётни илсхот қилиш ва аҳоли даромадлари ошишини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти ва роли муҳим ўринга эга. Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик бизнеснинг асарият қисми оилавий корхона шаклида иш юритмоқда. Европа давлатларида ялпи миллий маҳсулотнинг 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оилавий бизнес ишлаб чиқаради. АҚШ иқтисодиётида унинг улуши 95 фоиздан зиёдни ташкил этади. Демак, аҳолини тадбиркорликка фаол жалб қилиш, оилавий тадбиркорлиқни кенг йўлга қўйиш мамлакат тараққиётида, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Жараён

Гуллаб-яшнаётган Манас



Худойберди КАРИМОВ, журналист

Бугун юртимизда Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғи ҳақида эшитмаган одамни топиш қийин. Бунинг эса ўзига хос сабаби бор. Қишлоқ 2018 йилнинг февраль-март ойлари оралиғида кўпчиликнинг диққат-эътиборида бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан айнан шу қишлоқда биринчи бўлиб “Обод қишлоқ” дастури амалга оширилди. Манас қисқа муддат ичида бутунлай ўзгача тус олди. Кенг ва равон кўчалари, дов-дарахтга бурканган хибонлари, тубдан қайта таъмирланган давлат, жамоат ва турар жой бинолари билан ҳеч бир шаҳардан қолишмайдиган ҳақиқий обод масканга айланди.

Хўш, бунгача аҳвол қандай эди? Ўтган асрнинг 60-йиллари ўртасида Мирзачўлни ўзлаштириш даъвати билан барпо этилган кўрғон 50 йилдан ортиқ вақт ичида деярли ташландик ҳолга келиб қолганди. Қишлоқ марказидаги ҳайҳотдек клубдан куруқ девор хотира эди. Йўллар ўйдим-чуқур, лоток ариқлар чанг ва лойқага тўла. Одамлар яшайдиган уйлар, ижтимоий соҳа муассасаларининг пойдеворидан тортиб, томигача шўр босган. Қишлоқ аҳли узоқ йиллардан буён тоза ичимлик сув нималигини унутганди. Табиий газни фақат тушларида кўради. Электр энергияси бир кунда атиги уч-тўрт соат берилади, холос.

— Ўтган йилнинг 14 февраль куни республикадан вакиллар ташриф буюрди, — дейди “Манас” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жалил ака Кенжаев. — Улар гапни чўмасдан мурдага ўтди, Президентимиз топшириғига биноан эртаси кунданок қишлоқни обод этиш ишлари бошланиб кетишини маълум қилишди.

Дарҳақиқат, 15 февралдан бошлаб қишлоғимизни одам, техника босиб кетди. Кимдир харита кўтариб у ёқдан-бу ёққа чапади, кимдир ер ўлчади. Яна кимлардир яшаш учун чодирлар тика бошлади. Йўлсозлар, нурчилар, газчилару курувчилар ўз иши билан овора. Эски деворлар бузилиб, йўллар асфальтланди, ариқлар тозаланиб, чеккасига дарахт кўчатлари экилди. Янги симёгочларга илинган чироқлар чарақлаб ёна бошлади.

Йиллар давомида коллектор-дренажлар эътиборсиз қолгани сабабли сизот сувлар кўтарилиб кетган эди. Дастур доирасида 41 километр узунликдаги мелиорация тармоғи тозаланди. Худуд йўллари лойдан тозаланиб, чеккасига 3,5 километр лоток ўрнатилди. Кўп қаватли 34 та уйнинг томи тўлиқ қайта ёпилди. Режасиз, ноқонуний қурилмалар ўрнида бежирим ёрдамчи бинолар, тандирхоналар қурилди. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш учун 6,5 километр узунликда қувур ётқизилди. Худуддаги сув тарқатиш иншооти тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Шуни фахр билан таъкидлаш лозимки, бу ишлар атиги 45 кун давом этди. Бир ярим ой ичида манасликлар гўё бир ухлаб, бошқа маконда, бошқа масканда уйғонди. Икки қаватли эски, “энкайиб” қолган уйларнинг қадди тикланди, ҳақиқий

саройга айланган “Маданият уйи” одамлар билан гавжум бўла бошлади. Нафақат ташқи кўриниши, балки ичкариси ҳам янгиланиб, энг замонавий мебеллар билан жиҳозланган мактаб, боғча, қишлоқ врачлик пунктини кўрганлар “тушимми, ё ўнгимми”, деган хаёлга боргани ҳам рост гап.

Ўша йилнинг 30 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Манасга келди. Бу ерда амалга оширилган ишларни ўз кўзи билан кўрди. Давлатимиз раҳбарининг орадан бир неча кун ўтгач пойтахтда бўлиб ўтган йиғилишидаги: “Манас биз учун шундай тажриба мактаби бўлдики, агар қишлоқларни замонавий масканга айлантириш, иқтисодий-ижтимоий муҳитни яхшилаш, одамлар қайфиятини ижобий томонга кескин ўзгартиришни олдимизга мақсад қилиб, изчил ҳаракат қилсак, бунга эришиш мумкинлигига одамларни ишонтира олдик, ўзимизда ҳам ишонч ва қатъий ошди”, деган гаплари Манас қишлоғида бажарилган мисли кўрилмаган улкан ишларга берилган ҳақиқий баҳо бўлди.

Айтиш жоизки, Манасда амалга оширилган ишлар нафақат бутун Ўзбекистон халқи, балки узоқ-яқин хориждаги ҳамкорларимиз, дўстларимизнинг ҳам эътиборини ўзига тортди. Ортада қолган икки йил ичида бу ерга юзлаб чет элликлар келиб кетди. Улар Манасда жуда катта, кенг қамровли юмушлар бажарилганига тан берди.

— Қишлоғимизда унга яқин миллат вакиллари оға-ини, қуда-анда бўлиб яшаб келмоқда, — дея сўзида давом этади маҳалла раиси Жалил Кенжаев. — Уларнинг 85 фоиздан кўпроғи қирғиз миллатига мансуб. Табиийки, бизда бўлаётган янгилик ва ўзгаришлар қўшни Қирғизистон раҳбарияти ва халқиди ҳам катта қизиқиш уйғотди. Бир муддат олдин қишлоғимизда шу давлатнинг



мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ибрагим Жунусов келиб кетди. Элчи бу ерда амалга оширилган ишларга тасаннолар айтди. “Маржон” ҳаваскорлик ансамблимиз болаларининг қирғиз тилида ижро этилган куй-қўшиқларини жон қулоғи билан тинглади. Кетар чоғи эса: “Ўзим Ўшда туғилганман, аммо Жиззахда қирғиз қишлоғи борлигидан беҳабар эдим. Ўзбекистонда бошқа миллатлар қатори қирғизларнинг ҳам эмин-эркин яшаши, ривожланиши, ўзligини намоён этиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар борлиғи мени ҳайратга солди”, дея дил изҳорини билдирди.

Манасликлар давлатимиз раҳбари ғамхўрлиги ҳамда эътибори, бутун ўзбек халқининг беминнат қўмағи билан ўз қишлоқларида амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг бардавом бўлишини истади. Улар катта куч ва меҳнат эвазига эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, янада кўпайтиришни ўзлари учун ҳам қарз, ҳам фарз деб билмоқда. Бугун қишлоқда бўлган инсон бу сўзларнинг ҳақиқини сезиши қийин эмас.

Қишлоқда бўлсангиз, икки йил аввал экилиб, бугун бўй чўзиб қолган арчаларга зеб бераётган, сув йўлларини тозалаётган, қишқи ёғингарчилик натижасида айрим жойлари кўчиб тушган деворларни оқлаётган одамларга кўзингиз тушади.

— Манасликлар қишлоғимиз ўз номини оқлаши, ҳақиқатан ҳам ҳар томонлама обод бўлиши керак, деб ҳисоблайди, — дейди Дўстлик тумани ҳокими ўринбосари, оила ишлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик бўйича бўлим бошлиғи Гулбаҳор Холмуродова. — Қишлоқда аҳолининг деҳқончилик қилиши учун имконият катта. Шу яқиндаги каналнинг суви қишлоқ худудига бемалол чиқади, демек, томорқалардан мўл ҳосил олиш мумкин. Ўттизга яқин иссиқхонада етиштирилаётган сабзавот ва кўкатлар худуд аҳли эҳтиёжидан ортиб, туман деҳқон бозорини ҳам тўлдирмоқда. Бунинг устига, “Обод қишлоқ” дастури асосида қишлоқ четида 200 бош қорамолга мўлжаллаб қурилган молхонада ҳам чорвачилик қилиш учун барча шароит бор. Дастур асосида иш бошлаган “Манас чеварлари”, “Иссиқнон” қорхоналарида эса авваллари фақат уй иши билан овора бўлган 100 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган.

Президентимизнинг ташаббуси билан бошланган “Обод қишлоқ” дастури самараси туфайли, республикаимизнинг бир қатор аҳоли яшаш маканлари гўзал ва бетакорр тусга кирди ва кирмоқда. Бу борадаги ишлар ҳали узоқ вақт давом этиши ҳам шубҳасиз. Манасликлар эса ана шу азим ишлар аввалида айнан ўз қишлоқлари тургани, бу билан унинг номини тарихга битилганидан фахрланиб юришлари турган гап.

Тадбиркор мулоҳазалари



КЛАСТЕР — ФЕРМЕР СУЯНЧИҒИ

Эмма КАСТАМИРОВА, Жомбой туманидаги “Амин инвест интернейшнл” қўшма корхонаси бош директори, Пастдарғом туманида фаолият кўрсатаётган шу номдаги кластер раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳибаси.

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлиста Мурожаатномасида “Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишларимиз давом этмоқда. Соҳага илгор технологиялар ва кластер тизими жорий этилмоқда”, дея таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда аграр соҳада кластерлар фаолиятининг ўрни нақадар муҳим эканлиги сезила бошлади. Маълумотларга қараганда, бугун мамлакатимизда 70 дан зиёд пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият кўрсатмоқда.

Бизнинг “Амин инвест интернейшнл” қўшма корхонамиз фаолияти пахта хомашёсидан тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Сўнгги йиллар мобайнида корхонани ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш йўлида бир қанча ишларни амалга оширдик. Маҳсулотларимизни Туркия, Россия, Украина каби мамлакатларга экспорт қилишни йўлга қўйдик. Қурилиш-ободонлаштириш ишлари туфайли цехлар, иш ўринлари сони кўпайди. Дастлаб корхонамизда 300 нафар ишчи билан иш бошлаган эдик. Бугун улар сони 500 нафарга етган. Аҳамиятлиси, уларнинг барчаси маҳаллий хотин-қизлар.

Ўтган йили Пастдарғом туманида пахта-тўқимачилик кластери ташкил этиб, бу ишга 153 нафар фермерни жалб қилдик. Улар ихтиёрида пахта экиш учун 6500 гектар экин майдони мавжуд эди. Ана шу майдонларнинг барчасига чигит экилди. Йил давомида фермерларни маблағ билан қўллаб-қувватлаб турдик. Натижада кластеримизга ажратилган худудда салкам 16 минг тонна пахта етиштирилди. Бундан фермерлар яшнгина даромад қўришди. Ишлаб чиқарилган ҳар бир тонна пахта учун кластер томонидан 5,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Шу ўринда Пастдарғомда пахтачиликни ривожлантириш борасидаги мавжуд имкониятлар ҳақида гапирсам. Аввало, ҳосилни деҳқон етиштиради, унга эса ер, сув, ўғит, электр энергияси керак. Туманда ўз ишини биладиган фермер мутахассислар етарли. Фермерлар шудгорлашдан тортиб йиғим-теримда зарур бўладиган барча техникага эга. Фақат уларни ишлатишга, зарур ҳолларда таъмирлашга, ёқилғи-мойлаш материалларини сотиб олишга маблағ керак. Кластер бугун масаланинг ана шу томонини ўз зиммасига оляпти. Масалан, биз ўтган йили пахтачилик учун 90 млрд. сўм маблағ сарфладик.

Пахта кластерларининг ташкил этилиши бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб, мазкур механизм соҳа ривожига кучли туртки берибгина қолмай, қишлоқ хўжалигида ва пахта хомашёсини қайта ишлаш саноатида ижобий ўзгаришларни таъминлайди. Ҳозирги кунда вилоятимизда қўшма корхона ва масъулият чекланган жамяят шаклидаги 8 та кластер фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йили кузги шудгор учун 3 миллиард сўм маблағ сарфладик. Унинг тенг ярмини ёқилғи учун ажратдик. Бундан ташқари, иш ҳақи учун 1,5 миллиард сўм, техникалар эҳтиёт қисмлари сотиб олишга ҳам шунча маблағимиз кетди. Биологаторияни қурилиши, пахта қабул пунктлари таъмири учун зарур маблағ ҳам кластеримиз ҳисобидан ажратилди.

Бизнинг қўшма корхонамиз Жомбой тумани худудида жойлашган. Табиийки, ишчиларимиз ҳам жомбойликлар. Энди эса кластер имкониятларидан келиб чиқиб, Пастдарғомда ҳам тўқув корхонаси барпо этишни режалаштирдик. Камид 200 иш ўрни яратиш ниятидамиз. Бунинг учун дастлабки қадамларни қўйдик, ҳам. Масалан, тикув усулларининг бир қисmini сотиб олдик.

Кластер ноёб тузилма. У фермерга суянчиқ вазифасини бажаряпти. Кластер ёрдамида фермер хўжаликлари ишлашининг илгор усулларини ҳаётга жорий этипти, тажрибаги мутахассисларни ишга жалб қияпти. Сувчилар ва механизаторларнинг иш ҳақини вақтида тўлаяти.

Мен республикаимизда айни пайтда фаолият кўрсатаётган кластерлар раҳбарлари ичидаги ягона аёл раҳбар эканман. Шу сабабдан ҳам кўпроқ хотин-қизларга мос иш ўринлари яратиш ҳаракатидаман. Бунинг учун фойдали лойиҳалар йўлида маблағни аямасликка тайёримиз. Кластер аслида давр тақозоси ва даромад манбаидир.

ҳамда Осиё Олимпия кенгашининг 2020-2021 йилларда бўлиб ўтадиган навбатдаги йиғилишида қўриб чиқилиши маълум қилинди. Таъкидлаш жоизки, Ёшлар ўртасидаги ёзги Осиё ўйинлари 43 та хорижий мамлакат иштирокида камид 9 та спорт туридан 14-17 ёшли спортчилар ўртасида ўтказилади.

Ёшлар ўртасидаги илк ёзги Осиё ўйинлари 2009 йили Сингапурда, 2013 йили Нанкин (Хитой), 2017 йили Ҳамбонтота (Шри-Ланка) шаҳарларида ўтказилган бўлса, 2021 йили Шантга (Хитой), 2025 йили Ўзбекистоннинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилиши режалаштирилган.

Хўш, 2025 йилги ёшлар ўртасидаги ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш мамлакатимизга нима беради? Ўшбу ўйинлар Ўзбекистон имижини ошириш билан бирга, мамлакат инфра-тузилмасини, туризмни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш, нафақат пайтахт, балки худудлар қиёфасини яхшилаш билан бирга янги спорт иншоотлари қурилишига хизмат қилади. Шунингдек, бу спорт тадбири келажақда мамлакатимизнинг спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари ва Олимпиада ўйинларини қабул қилиш имкониятларини оширади.

Спорт

УЙДА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИНИНГ

Абдулхай ЮНУСОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида 6 апрель санаси Халқаро спорт кунли сифатида нишонланади. Коронавирус пандемияси туфайли дунё аҳолисининг аксарияти карантинда уйда ўтирган паллада “Уйда спорт билан шугулланиш” қақирғи байрамнинг асосий шиори сифатида танланди.

БМТнинг 2013 йилнинг 23 августдаги Бош Ассамблеясида тараққиёт ва тинчлик учун Халқаро спорт кунини нишонлаш ҳақидаги резолюция қабул қилинган. Ҳар йили шу кунни БМТ Бош қотибининг махсус мурожаатномаси эълон қилинади. Анжуманлар, тадбирлар, мусобақалар ўтказилади, спорт муассасаларида кўргазмалли машғулотлар уюштирилади, оммавий ахборот воситаларида спорт турлари, жаҳон рекордлари ҳақида эшиттириш ва кўрсатувлар намойиш қилинади, матнлар ва суратлар чоп этилади.

Мамлакатимизда коронавиррус пандемияси шароитида вақтни фақат телевизор кўриш ёки

компьютерда ўтириш билан эмас, балки фаол жисмоний машқлар билан ҳам ўтказиш мақсадага мувофиқ эканини алоҳида таъкидлаш даркор. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги БМТ билан ҳамкорликда “#Жаётга қўшил, оиланг билан спорт билан шугуллан” чепленжини эълон қилди. Тадбирдан мақсад уйда спорт орқали иммунитетни кўтариш, оилавий спорт билан шугулланишни ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир. Чепленж голиблари спорт инвентарлари, югуриш йўлакчаси, велосипед ва бошқа совғалар билан тақдирланади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ IV ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда 2025 йил ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ўйинларини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамалари порталига жойлаштирилди.

Лойиҳада Ўзбекистон 2025 йилда ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ўйинлари ва 2030 йилда XXI ёзги Осиё ўйинларида мезбонлик қилиши мумкинлиги ҳамда мамлакатимиз спорт делегацияси 2019 йилнинг 28 сентябрь куни Қатар пойтахти Доха шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 73-ижроқўм йиғи-

лишида иштирок этгани ва кенгаш президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабоҳ ва кенгаш аъзолари билан бир қатор учрашувлар ўтказгани тўғрисида ахборот берилган. Учрашувда 2025 йилги ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ўйинлари ва 2030 йилги XXI ёзги Осиё ўйинлари Ўзбекистонда ўтказилиши масалалари муҳокама қилинди. Ижроқўм кун тартибига кўра, 2025 йилда ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ўйинларини юртимизда ўтказиш бўйича 10 дақиқалик тақдимот ўтказилди.

Ўзбекистонда барча шароитлар, шу жумладан, ушбу халқаро мусобақани ўтказиш учун зарур спорт инфратузилмасини тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишларни инobatта олиб, Осиё Олимпия кенгаши ушбу нуфузли тадбирни Тошкентда ўтказишга розилик билдирди. Шунингдек, 2030 йилги XXI ёзги Осиё ўйинларини Ўзбекистонда ўтказиш бўйича тақдим этилган талабнома ҳам қабул қилинди

Уйда қолиб, китоб ўқинг!

Китоб инсоннинг онг ва тафаккурини теранлаштирувчи, фикрлаш қобилиятини кенгайтирувчи ноёб манбадир. Коронавирус деб аталмиш бало кўнглимизга ғашлик солиб, барчамизни катта бир синов майдонига чорлаётган пайтда уйда ўтириб, китоб мутолаа қилишга нима етсин. Бошимизга тушган бу офатни сабр-бардош билан енгишимизда китоб барчамизга бирдай дўст ва қадрдон. Мухбиримиз бир гуруҳ зиёлилар билан боғланиб, китоб ва мутолаа ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

МАЪРИФАТСИЗЛИК ИНСОННИ МЎРТ ҚИЛАДИ

Абдухалил МАВРУЛОВ,

тарих фанлари доктори, профессор:



— Бугунги кунда китоб ўқиш ва унга муносабат анчагина сусайди, назаримда. Чунки катталар ҳам кўпроқ интернет оламига шўнгиб кетди. Ҳозирги карантин вақтида уйда ўтириб, оила даврасида жам бўлиб бадиий адабиётларни, газета ва журналларни ўқишга етарлича вақт бор. Юртимизда компьютер, мобил телефон кириб бормаган хонадон қолмади ҳисоб. Исталган янгилигу ахборотларни интернетдаги сайт ва ижтимоий тармоқлардан билиб олиш мумкин. Айримларнинг фикрича, шу боис китоб ўқиш учун вақт сарфлашга ҳожат йўқ эмиш. Аслида инсон ўзининг фикрлаш қобилияти, маънавий дунёси билан тирик. Қўллаб имко-

нийат ва афзалликларга эга бўлган замонавий техниканинг биронтаси — телевидение ҳам, радио ҳам, интернет ҳам китобнинг ўрнини боса олмайди. Рус ёзувчиси Максим Горький: “Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман”, деб бекорга айтмаган. Ҳар қандай бузғунчи куч ва хуружни юксак маънавият билан енгиш мумкин. Шу маънода китобхонлик бугун барчамиз учун ҳаётий заруратга айланмоғи шарт.

Зулайхо АКРАМОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Коронавирус карантини туфайли ҳамма ўз оиласи даврасида. Демак, ўзлигини яна бир бор англаб етиши учун етарли вақти бор. Бундай пайтда биринчи қадамини ўзимиз ташлашимиз лозим. Биз тарқатмоқчи бўлган эзгулик ғояси, яъни китоб ўқишга чорлаш ёшларни телефон ва компьютердаги кўнглиночар ўйинлар, онгини захарловчи сайтлардан бир муддат муҳофаза қила олади. Уларнинг тафаккурини тозалашга хизмат қилади. Қадимда буюк шоир ва ёзувчилар китобга шу қадар меҳр қўйган эдиларки, ҳатто тунлари шам ёруғида мутолаа қилганлар. Алишер Навоий 7 ёшида Фаридид-

дин Атторнинг “Мантик ут-тайр” асарини ёд олган. Имом ал-Бухорий эса олти мингдан зиёд ҳадисни ёд билган. Аммо у даврда бугунги имкониятлар умуман бўлмаган. Шу боис, ҳар бир инсон билимлар қалити бўлмиш китоб билан дўст тутинмоғи лозим. Ахир дунёда китобдан кўра яхшироқ дўст ва маслақдош йўқ-ку!

Дилноз РЎЗИЕВА,

педагогика фанлари доктори, Низомий номидаги педагогика университети профессори:



— Бугунги кунда талабаларимизга онлайн тарзда сабоқ берад эканмиз, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон сингари буюк адибларнинг асарларига мурожаат қилаёلمиз. Бу талабаларнинг мутахассислик билимини ошириш билан бирга, эзгу ниятларга ошно қилиб, қалбларида буюк фазилатларни мужассамлаштиради. Тўғри, орамизда китоб ўқимай, интернет қаршисида соатлаб ўтириб, гараз ниятли кимсаларнинг домига илиниб қолаётганлар ҳам бор. Китоб ўқиган инсон ҳеч қачон ёмонлик қилмайди, бировга озор етказмайди. Буюк соҳибқирон Амир Темур: “Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асоси, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”, деб бежизга айтмаган.

Муҳаммад ИСМОИЛ,

шоир, Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори.




— Тафаккури, фикр доираси кенг, маърифатли кишилар жамиятнинг энг бой инсонларидир. Афсуски, кўп ёшлар бугун интернетни китобдан устун қўймоқда. Аслида эса ҳаётда рўй бериб турадиган барча нохушлик ва иллатларнинг илдизи илмсизлик, китоб ўқимасликнинг аччиқ мевасидир. Темирни занг кемирганидек, инсонни ҳам маърифатсизлик мўрт қилади. Ҳозирги пайтда ҳар қандай янгилик сонияларда, жуда кўп яшаса, бир неча дақиқада эскиради. Инсониятнинг ақлий ҳамда фикрий дурдоналарини ўзида жамлаган китоб эса ҳеч қачон эскирмайди. Бугун ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда китобдан қудратлироқ восита йўқ.

Атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов дунёдаги етти мўъжизага таъриф бериб: “... етти мўъжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбидини оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улугълигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда. Бироқ, шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улугъорлиги, гўзаллигидан камлик қилмайди. Бу мўъжиза — китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам биринчи мўъжиза эканлигини кўпгина буюк одамлар қайд қилган”, деб ёзади. Кун келиб бугунги синовли кунлар ўтмишига, аччиқ хотирага айланади. Дунёга шунчаки очик кўз билан қараш эмас, тийрак нигоҳ билан боқиш, ўз таъсирини ўтказишга уринаётган коронавирис эпидемиясининг кушандасига айланмаслик, энг асосийси, қалбимизни қайраш учун уйда қолиб, китоблар оламига яқинроқ бўлишимиз шарт.

Гулчехра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ҲАЁТНИНГ ҚАДРИГА ЕТМАГАН ОДАМ УНДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШГА ҚОДИР ЭМАС



Эркин КОМИЛОВ, Ўзбекистон халқ артисти

Мана, қарийб уч ҳафтадан буён уйдამиз. Аввало, шуни айтишим керакки, ижод аҳли азалдан ҳам ўзи билан ўзи олишиб, ўз устида тинимсиз ишлаган, уйда ўтиришдан зерикмаган. Аммо ҳозирги вазият ҳеч қачон бўлмаган шундай бир имкон бердики, қалбимиз эшиги илму урфонга кенг очилди. Бугун ўқийман, эртага ўқийман, деб йиғилиб қолган китобларни бирма-бир очиб ўқий бошладик.

Ўзимни айтадиган бўлсам, “Мирзо Улуғбек” асарида ёд олганим 44 бетли шеърли маттни ҳар кун би марта такрорлашимнинг ўзига уч соат вақтим кетяпти. Менинг ёшимда ҳар кун такрорламаслигининг илоҳи ҳам йўқ аслида.

Аҳмад Лутфий Қозончининг пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ҳақида ёзган катта бир китобнинг 400 варағини ўқидим. Тўғилганларидан то умрларининг сўнгига қадар ҳикоя қилинган экан, руҳим таскин толяпти. Бундан ташқари, Қўчқор Норқобилнинг “Тақдир синовлари” асаридаги икромини қайта-қайта қўриб, хато, камчиликларимни таҳлил қиляпман. Қайси ўринда, қандай адашганим аини шу паллада яққол намоён бўляпти. “Ўзилмаган гул” номли асарда ҳам роль икро этяпман, ундаги сўзларимни ёдлапман. Қўзимни юмганча, сахна оламига узок шўнғийман. Театрда бадиий кенгаш аъзоси эмасманми, кенгаш аъзолари билан гаплашиб тураман. Мутолаа, ўз устимда ишлаш машқларидан сўнг оламга бир назар солай деб дераздан ташқарига боқаман. Дахшатга тушаман. Шовқин йўқ, машиналар йўқ, ҳаммаёқ жим-жит. Э, худойим, қаерда хато қилдик, гуноҳларимизни кечиргин, дея оятлар ўқиб, бутун халқимизга омонлик сўраб, дуо қиламан. Шу ўринда бир гапни айтмасам бўлмайди. Нурулло Аббосхоннинг “Одамлар орасида” пьесасида врач ролини уйнаяпман. Коронавирус менга шундай бир туртки бердики, бугунги вазиятдан кейин оқ халатли шифокорларга ҳурматим ниҳоятда ортди. Очиғини айтман, сценарийда врачлар ҳақида 1-2 та салбий фикрлар бор эди. Ушаларни олиб ташладим. Асар анча ўзгариб кетди. Ўзимнинг ролим ҳақидаги салбий фикрлар ўзимга ёқмай қолди. Негаки, бугун жонини хатарга қўйиб, беморларни ўз опаси, акаси, яқинида қўриб, дардига малҳам бўлаётган инсонларга тош отиб бўлмайди. Улар Аллоҳ томонидан инъом этилган оқ кийимли фаришталар. Бугун уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида гапириш керак. Баъзи саҳифаларни ўзгартириш керак. Хуллас, бу

асар устида ҳам бош қотиряпман. Шу тарика вақтнинг қандай ўтиб кетаётганини сезмай қоляпман. Аслида ижодкорлар нима қилади, кейинги ўйнайдиган роллари, халққа нимани бериш ҳақида ўйлайди-да. Шуларни узок ўйлайман. Аксинча, вақт етмай қоляпти менга. Барча вилотларда ҳамқасб дўстларим бор. Шунча ишдан ортиб ора-сира улар билан ҳамсуҳбат бўлишга улгурияпман. Институтда тўрт йил дарс берганман. Талабаларим ҳол сўраб кўнгироқ қилиб туришади, улар билан гаплашаман. Хуллас, бир зум бекор қололмайман. Хулоса қилиб айтмоқчиманки, элимиз бошига шундай бир синовли кунлар келганда бозорларимизда нарх-наволарни ўзбошимчалик билан ошириб олганлардан қаттиқ ранжидим. Ахир биз мўйминиз-ку! Палаги тоза халқимиз. Миқоллаб йиққанини бир кунда тую томоша қилиб, эл олдида сочадиган, эшик қоқиб келганга иссиқ чой узатиб, нон синдирадиган ўзбекмиз. Минг шукр, бутун халқимиз, бетакрор юртимизнинг ҳар қандай вазиятда эсон-омон бўлиши ва гуллаб-яшнаши учун жонфидо давлат раҳбаримиз бор. Юрт отасига қанот бўлиб, барча чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаб турган инсонлар ҳақиқий иймони бут, халқларвар инсонлар, десам хато бўлмайди. Мен барча юртдошларимиз, тенгдошларим, касбдошларимга мана шу қимматли дамларда фақат ўз устингизда ишланг, ўқинг ва яна ўқинг, дейман. Зеро, ҳеч қачон бундай имконият бўлмаган. Фикран, ақлан ўзимизни таҳлил қилишимиз керак. Карантин даврида ўзига ташқаридан бир назар солиб, хато, камчиликларини кўра билган ва уларни тузатишга ҳаракат қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди, деб бемалол айта олам.

КАРАНТИН ДАВРИДА БОҒЧА БОЛАСИ ОТА-ОНАСИГА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ БЕРИШНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИ

КАРАНТИН ДАВРИДА БОҒЧА БОЛАСИ ОТА-ОНАСИГА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ҚЎЙИДАГИЛАРГА БЕРИЛАДИ

БОҒЧА ТАРБИЯЛАНУВЧИСИНИНГ ВА МАКТАБЛАР 1-4-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ОТА-ОНА(УЛАРНИНГ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ШАХС, ВАСИЙ, ҲОМИЙ)СИГА БЕРИЛАДИ.

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ХОДИМНИНГ ХОҲИШ-ҚИЯТ КЎРА, ТАЪТИЛЛАР ЖАДВАЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БЕРИЛАДИ (БИРИНЧИ ИШ ЙИЛИ УЧУН 6 ОЙ ИШЛАГАН БЎЛИШ ШАРТ ЭМАС).

МЕҲНАТ ТЎҒРИСИДАГИ БУЙРУҚДА ТАЪТИЛНИНГ БОШЛАНИШИ ВА ТУГАШ СНАСИ АНИҚ КЎРСАТИЛАДИ

БОҒЧАЛАР ВА МАКТАБЛАР ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛГАНЛИГИ САБАБЛИ ХОДИМ ТАЪТИЛГА ЧИҚҚАН ДАВРИДА, ХОДИМ-НИ ТАЪТИЛДАН ЧАҚИРИБ ОЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

АГАР ХОДИМ БОҒЧА ЁКИ МАКТАБ ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛИШИДАН ОЛДИН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ОЛГАН БЎЛСА ЁКИ МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ОЛИШНИ ХОҲЛАМАСА УНИНГ РОЗИЛИГИ БИЛАН ҚЎЙИДАГИЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУМКИН:

МАСОФАВИЙ ИШ УСУЛИ, МОСЛАШУВЧАН ИШ ГРАФИГИ ЁКИ УЙДА ИШЛАШГА ВАҚТИНЧА ЎТКАЗИШ;

ИШ ҲАҚИ САҚЛАН-МАГАН ТАЪТИЛ БЕРИШ.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КАРАНТИН ДАВОМ ЭТИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ТУГАГАН КУН ИШГА ЧИҚИШНИ ИЛОЖИ БЎЛМАГАНДА, ХОДИМ ИШ БЕРУВЧИ НОМИГА ҚЎЙИДАГИ МАЗМУНДАГИ АРИЗАНИ ЮБОРАДИ:

МУДДАТИ ВА БОШЛАНИШ СНАСИ КЎРСАТИЛГАН ИШ ҲАҚИ САҚЛАНМАГАН ТАЪТИЛ ОЛИШ БЎЙИЧА;

МАСОФАВИЙ ИШ УСУЛИ, МОСЛАШУВЧАН ИШ ГРАФИГИДА ЁКИ УЙДА ИШЛАШГА ВАҚТИНЧА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА.

МАКСИМАЛ МУДДАТ БЎЙИЧА ЧЕКЛОВЛАР КАРАНТИН ДАВРИДА ТАТБИҚ ҚИЛИНМАЙДИ.